

Ўзбекистон-Хитой: стратегик шериклик муносабатлар ривожининг янги истиқболлари

Annotation

In this scientific article the main point and tendency of the mutual relationship of development between Uzbekistan and People's Republic China are analyzing, especially, the deepening of mutual relationships in sphere of education science is considered.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамкорлик алоқлари тизимида Хитой Халқ Республикаси беқиёс муҳим ўрин тутди. Ҳар иккала мамлакат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилгандан кундан бошлаб ¹ ўзаро юксак ишонч ва манфаатдорлик тамойилларига таянилган ҳолда, муносабатлар эволюцион тарзда ривожланиб борди ва бунинг натижасида 2012 йилнинг июн ойида Пекин шаҳрида Ўзбекистон ва Хитой давлат раҳбарлари томонидан Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди.

Маълумки, стратегик шериклик тўғрисида у ёки бу мамлакатлар ўртасида шартномаларнинг тузилиши энг аввало, улар ўртасида беқиёс юқори даражада сиёсий ишонч ва унга хизмат қилувчи кафолатлар вужудга келтирилгандагина амалга ошади. Зеро, стратегик шериклик давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос юқори ривожланган даражаси бўлиб, унда ўзаро ҳамкорлик нафақат мамлакатлар ички сиёсати миқёсида балки халқаро майдонда ҳам акс этади. Ўзаро ёрдам, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, доимий ҳамкорликни изчиллик билан узоқ муддатларга мўлжалланиб олиб борилиши, стратегик шерикликнинг энг муҳим принциплари ҳисобланади. Ўзбекистон ва ХХР ўртасидаги мана шундай ўзаро манфаатли, дўстона

¹ Изох: Хитой Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олди. 1992 йилда мамлакатлар ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 1992 йилнинг 15 октябрида Ўзбекистон билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги муносабатлар истиқболлини белгилаб берган тарихий воқеа рўй берган эди. Шу куни мамлакатимиз пойтахтида Хитой элчихонаси очилди. Ана шу кундан эътиборан мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари юқори суръатлар билан ривожлана бошлади. 1995 йилнинг май ойида Пекин шаҳрида мустақил Ўзбекистон Республикасининг элчихонаси тантанали равишда очилиб, ўз фаолиятини бошлади.

хамкорлик алоқалари ўтган йиллар давомида янги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий асослар билан янада мустаҳкамланди.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг 2014 йилнинг 19-20 август кунлари ХХР га бўлиб ўтган давлат ташрифи натижасида мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни янада юқорида поғонага кўтарилиши учун кенг истиқболлар очилди. 19-август куни Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросимида сўзлаган нутқида И.А.Каримов “Ўзбекистон томони Хитой раҳбарияти билан ҳар бир учрашувни юксак кадрлашини, бугунги музокаралар олий даражадаги мулоқотларнинг мантиқий давоми эканини таъкидлади.”²

Ўз навбатида, Хитой Халқ Республикаси раиси Си Цзиньпин “Ўзбекистонни Хитойнинг ишончли шериги деб билишини, икки томонлама ҳамкорлик узок муддатлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида ривожланаётганини қайд этди.”³

Бу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг барқарор равишда ривожланиб боришида улар ўртасидаги тарихий, сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги муштараклик ҳолати муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Инсоният цивилизацияси тараққиётида ўзига ҳос муҳим ролни ўйнаган кўхна ва айни пайтда навқирон Буюк Ипак йўли Ўзбекистон ва Хитой мамлакатлари халқларини тарихан боғлаган мўътабар ришта вазифасини ўтамоқда.

2014 йилнинг 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида Президентимиз И.А.Каримов шундай таъкидлаган эди: “Милодгача бўлган II асрдан милодий XV асрга қадар қадимий халқаро транспорт артерияси вазифасини

² Қаранг: Халқ сўзи, 2014 йил 20 август.

³ Ўша манбада.

базариб, Хитой, Ҳиндистон ва Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ, Ўртаер денгизи минтақаси каби ҳудуд ва мамлакатларни боғлаб келган Буюк Ипак йўлининг улкан, беқиёс ролини баҳолашнинг ўзи қийин.